

СССР МАОРИФ МИНИСТРИ М. А. ПРОКОФЬЕВНИНГ БУТУНИТТИФОҚ
ЎҚИТУВЧИЛАР СЪЕЗДИДА ҚИЛГАН ДОКЛАДИНИНГ БАЁНИ

нан ошди ёни ўн барабар қўлайди. Ёқитувчиларнинг асосий қўчили-
ғи олий ва профессионал билимга
ёта бўлган кишилардир. Ёқитув-
чилар оmmasининг миллий состави
жамиятнинг составини ас эгитари-
ди. Маориф ҳодимлари сафарида
339 минг коммунист ва 450 минг
оқсўлақ оқсўлақлар

Умумий җўта таълимга ўтиш жа-
раёни ўқитувчи меҳнатининг ик-
кинчой аҳамиятини янада кучайти-
ради, унинг ишга ва билимга
қисбатан талабчанлигини оширади.
Ўқитувчиларнинг профессионал
педагогик маҳоратини тинмай оши-
ра бориш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогика таълими мамлакатимизда кенг ривож топди. Ҳозирги вақтда 208 та педагогика институтиди, 42 та университетда, 392 та педагогика билим юртида ўқитувчилар тайёрланмоқда.

Ижодий ҳодимлар ўқитувчилар олдига қарздордир. Совет китоб-

юна ва томошабан улардан ўқитувчининг олиқанган меҳнати мусо-
басида даражада тасвирланган
сайрат ва адабига асарлар ярат-
тириш талаб қилди.

Стўрларнинг қўлдагилар
қизқичқил ўқилди: мактаб ички
оҳаридири ва район, область, ша-
ҳар, республика, мамлакат миёсида
мактабларни бошқариш иши
тағомлаштиришни талаб қила-
ди. КПСС Маркази Комитети ва
СССР Министрлар Советининг
қарорлари асосида мактаб янги
қўғирсаларни қўриқиб ишлаб чи-
қилди. Коммунистлар партияси
КПСС XXIII съездида мактаб
қўғирсиди қабул қилган маш-
ҳур қарорлари ва КПСС Мар-
кази Комитети билан СССР Ми-
нистрлар Советининг шундай
кейинги қарорлари устас учун
маънавий маънад ва вазифала-
ни босқич ўзатиш учун асос қилиб
олинди.

М. А. Прокофьев докладнинг охирида бундай деди: ўқувчилари яхши ўқитиш ва коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш барча совет ўқитувчиларининг шiori-ри. Совет ўқитувчилари халққа хизмат қилиши. Коммунистик партиянинг улуғвор режаларини бажаришиш ўз бурчлари деб била-дилар. Совет ўқитувчилари юммаси партия билан бирга эди ва бундан кейин ҳам ҳаммаси бир-га бўлади.

таълим-тарбия жараёнини
сусан юксак даражага кўтари-
миз зарур. Украинанинг ва бош-

НИЙ ГДРДАН К Е Л Д И

Гуайянадаги, Мьянмадаги ва социал-демократик Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустакамлаштириш жуда катта хизматлари учун, туғилган кунига 75 йил ўтганлиги муносабати билан шу ордэн билан мукофотланган эди.

ТАРҚАТМАСЛИК ШАРТНОМАНИНГ А Н И Ш И

латлар Ташкилотининг ироғасъ-
лявийи масаллари билан шугу-
лланган қомитетлагани (18 лар ю-
змийетлагани) делегацияларининг
авваллари ларо нурулини тар-
қатмаслики тўғрисидаги шартнома
қондаларини ишлаб чиқишда са-
марали ишлар қилганликлари
учун ташаккур изҳор қилди.

СССРнинг Буюк Британиядаги
элчиси М. Н. Смирновский ларо
нурулини тарқатмаслики тўғриси-
даги шартноманинг имзоланиши

Франциядаги сай- ловнинг дастлабки яқунлари

Францияда ўтказилган парламент сайловининг икки давраси натижасида Миллат Мажлисидаги 487 ўриндан 485 ўрин қўйидаги тарзда тақсимланди:

Франция Коммунистик партияси 33 депутат, Сўл кучлар федерацияси 57 депутат, тул сўл гуруҳлар 3 депутат, ҳукумат коалицияси 349 депутат, марказчилар 29 депутат.

турли ўнг гуруҳлар 11 депутат.

Колган икки ўрин депутатлари 7 июлда Франциянинг денгиз бариёғидаги территориялари бўлими Валис ва Футунада ҳамда Франция Полинезиясида ўтказиладиган сайлов натижасида аниқланади.

Токиода зилзила

ТОКИО. 1 июль. (ТАСС)

Кучли зилзила Япония пойтах-
тининг кўп аҳолисини ўз уяда-
рини ташлаб кетингга мажбур
қилди. Сейсмографлар Япония-
да қабул қилинган етти баллик
система бўйича гўрт балл кўч
билан ер ости силкинишини
рўйхатга олдилар. Зилзила ет-
казган зарар ҳақида хабар бе-
ритган эмас.

ЯШНАЁТГАН „МОСКВА“

КЎРИК-КОНКУРС



КОЛХОЗ қишлоғи гуллаб-яшнамоқда. Суратларда: (чапда) 1. Янги уйларнинг ҳовли томондан кўриниши. 2. Колхоз идораси.

ҚИРҒОҚДАГИ

ЧИРОҚЛАР

НУН БЭНИ замин уюмга жаллоқлаб, қайноқлик уфирган кўш ҳориб-чарша меҳнатдан олтин барқаша ўхшаш юзлари қизариб, бўртиб, тарб осмониди қалиб турарди. Мана, у сўнгги нурларини тоғ чўққиларидан йиғштириб олмоқда. Ҳаммаёқда ним қоронғулик чўқайпти. Дарахтлар уч майин шабадада аста силкиниб қолди. Дарё томонидан танга ёқаётган салқинлик оқиб келаяпти. Узоқ-узоқларда гуриллаб бир-бирларига жўр бўлган тракторлар овози олдими-кейин жиниб қолди. Қишлоқ бир дам сокин бўлиб қолгандай туюлди...

Кўчаларда, хонадонларда чироқ ёқилди. Радиоларнинг овози баландроқ эшитилиб кетгандай бўлди. Кўчаларда машиналар қатнови сийрақлашиб, энди у ерларини, хибонларини одамлар гурунги, говур-гувири, ёшлар шўхлиги тавхум қилиб юборганди. Ҳар кўни кечқурун клуб олдиди серола бўлади. «Ах, эринмаган ёшлар, кун бўйи ишлаб чарчамасанлар-да, уни қаранг, кинога чиқишга-да» дея ювчи мўйсафилларнинг ўзлари ҳам клубга шўхилишади. Ахир улар ҳам уйларидан тинчгина, дам олиб ётмаганлар-ку. Бирлари далада чиқиб ўғил-қизига қўмақлаша, яна бирлари томоғидан ақилларга қараб юрадилар. Бу ҳам катта гап. Ахир даладаги ўғил-қиз уй ичидан хотиржам бўлади-да. Чоғларнинг ўзлари ҳам чарчашди. Аммо кинога, томоғига шўхилишади. Тагин ёшларга ётиб дамнинг олсангчи деталари ортми...

Мана, шунақа. Бу қишлоқда ёшлар ҳам кекалар ҳам меҳнатини ўғил-қизига қўйишади, дам олиша, ўйнаб-қулиб ҳордиқ чиқариша келганда, буларнинг ҳаммасига вақт топишади.

Илгари бу қишлоқдан кўп ўтганман. Ёз қишлари ҳам кўчалари хувилаб ётарди. Қишлоқни кесиб ўтган Янгийўл-Оқ...

қўрғон йўлида эса икки томондаги дарахтлар бирор нарсасдан норози бўлган кишидек қадди-лари букилган қўни мунгайиб турардилар. Балки вақтида суя ичолмаганидан ҳафзои оли улар, балки шўхалик дарахт экиб кўкартирибди-ю, нега бизнинг соя-салқинимизда ҳеч ким роҳат қилмайди деб шундай қиёфага тушгандир. Хайтовур ўша вақтларда қишлоқ маркази бе-файзгина туюларди...

Тўғри, дов-дарахт экиб қўйган билан унинг тағидан сув ўтиб турмаса, атроф супурилиб-сидирилмаса, соя тортиб келиб чойхона, ошхона қурилмаса, тўрт-беш киши шу экилган дарахт тағидида суҳбат қўрмаси-ўша жой асло оёб бўлмайдди.

Кўзга ғалати кўринади. Мана, ҳозир қанчалик сўлим бўлиб кетдики ўша вақтда бефайз туюлган жойлар...

Қишлоқ таърифи хусусида икки оғиз сўз.

Бу қишлоқни Чирчиқ дарёси ярим доира шаклида айланган ўтади. Дарё кўпригидан ўтишимиз билан «Москва» колхозини деган ёзувларга кўзимиз тушади. Шу ёзувлар тепасида Кремль деворлари ва ёқут қўзғилан макети кўриб дилларда аллақандай гурур, севиниб жўлоланиб кетгандай бўлади. Дарё бўйидан қишлоқ маркази унча узоқ эмас, дatto кўриниб туради. Катта йўлдан икки томонга қанот ёзиб кетган колхозчиларнинг уйлари дарахтлар орасидан оқариб кўринади.

Қишлоқ марказида катта доира шаклида гулзор қилинган унинг ўртасига пахтакор қизнинг ҳайкали қўйилган. У «оқ олтин» водийсига, мавжисига оқайтган Чирчиқ дарёсига қараб туради. Унга ҳар кўни эрта-лаб, кечқурун йиғит-қизлар қараб ўтишади. Балки улар ана шу пахтакор қизнинг жўзибали қомат кериб туришдан завқланиб, фахрланиб пахтакорлик касбларига муҳаббатлари яна ҳам жўш уриб ўтишар, дилларига илҳом, белларига қувват бағишларди.

Гулзорнинг чап томонида саюат моллари магазини, рўпа-расида ҳар хил магазинчалар, ўнг томонда ошхона, чойхона. Шу ердан қўнчиқар ёққа кенг

Оққўрғон районидаги «МОСКВА» КОЛХОЗИ ҚИШЛОҒИ ҳақида ҳикоя қиламиз

асфальт кўча кетган. Бу идорага олиб боради.

Қишлоқ марказининг ташқи қиёфаси ана шундай. Энди унинг ички ҳолати ҳақидаги фикримизни эшитинг. Биз бу тўғрида колхоз экономисти, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан битириб чиққан ва ўз колхозини ҳақида диплом иши ёзган Усмон Шубадаевчилик тасвири ўрнига қўймаймиз. Дипломнинг дастлабки жумлаларини кўч-раимиз.

«Колхознинг табиий ҳолати яхши. Чунки бу колхоз территориясида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳамма турларини етиштириш имконияти бор ва чопчиликни ривожлантириш учун ҳам шароит мавжуд.

Колхоз тупроғи яхши. Ўғитлаш ва агротехника методлари билан ва механизациядан яхши фойдаланиш билан қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш мумкин. Колхоз сув билан яхши таъминланган бўлиб, у сувни асосан Қолган чирчиқдан олади».

Бу сўзлар ўз қишлоғига муҳаббати кучли эканини кўрсатиб турибди. Унинг битмас-туганмас бойлиқига эга эканини гурур билан тарангум этишининг бойиси ҳам ана шунда.

Чирчиқ шовуллайди. Қишлоқ кўчаларига ёқилган чироқ ҳамма ёқни чароғон қилиб юборган. Қишлоқ яқинидаги чироқлар нур дарағача етиб кетмаса ҳам, аммо уларнинг шўхласи тушиб мавжланиб оқайтган дарё суви тўқилишида санраб ўйнайди.

«Москва» колхозини Оққўрғоннинг Янгийўл томониди дарёзаси. Идорага олиб борувчи кўчанинг икки томониди янги тулд қурилган уйлар қад кўтариб туради. Томлар тепасида радио-телевизор антенналари бўй чўзган. Кўпчилик хонадонларда уй деворининг тағидан то томоғига отагичча ток. Энди сув олай деб нолган узум бошлари феруза маржондек ток наваларида осилиб турадилар. Кека аёллар, қоллар бог парварчишди.

Бу ерлар гул ошғири экан. Мана, идора олдиди ҳам доира шаклида гулзор қилинган. Ўнг томондан болалар қийқирғи эшитилади.

Болалар богчаси, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Холбек Олтоев ўша ёққа ишора қилиб, — бу ерда 1500 бола тарбияланади.

Партиком секретари қишлоқдаги маданий қурилишлар тўғрисида ахиринчи сўзлайди.

— Қишлоқларимизда катта-кичик магазинлар ишлаб турибди. Колхозчиларга итнадан тор

тиб, телевизор-шифонергача, туздан тортиб уй-туручгача ўз вақтида етказиб берилади. Илҳомимиз, қийматли қўлларимиз, кўрсатилган пўнзимиз ҳамма вақт колхозчилар хизматиди.

КЎРКАМ УЙЛАР

ИДорада колхоз раиси Исмом Шубадаев билан гаплашиб ўтирибмиз. У бундан тўрт йил муқаддам колхоз правлениеси ва партия ташкилоти муҳоама қилган масала ва бу масаланинг амалга оширилиши тўғрисида сўзларди. Ўша вақтда колхозчилар талабига кўра правление ва партия ташкилоти қишлоқни бош план асосида янгидан қайта қуриш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бунинг учун аввало янги кўчалар очини, уларни асфальтлаш, шағал тўкиб текислаш зарур эди. Пўдлар, кўчалар тўғрисида гап кетганда раис истеҳзоли қилиб кўйди. Кейин очининг айтди.

— Янги кўчиб келган пайтимизда киши қуялари кўчаларимиз кўяни эсдатарди. Девог тағидида кетатган киши бирорта машина келиб қолгудек бўлса, турган жойида котиб қоларди. Машина сачратган лой уйлар деворигага чўкиб кетарди. Мана шу идорамизга олиб келадиган кўчанинг қанақалигига бир тасаввур қилсангиз. У бошидан бу бошига юкминизни занжирли тракторда олиб борадир. Кўпчилик бирдам бўлса ишнинг юришиб кетишини биз колхозимиз мисолида яққол кўрдик.

Мана, энди ҳозир кўчаларимиз кенг, йўлларимиз раво. Уларнинг ҳаммаси кўпмиллатли оила аъзоларининг ақа-укадек аҳид бўлиб ишлашлари туфайли кўлга киритилди.

Бундан 4—5 йил бурун қишлоқимизда тузукроқ уйлар кам эди. Биз масалага қўйиб янги кўчалар очиниш, ана шу кўчаларнинг ички тарафига ҳамма қулайликларга эга бўлган янги уйлар қуришга қарор қилдик. Правление ва партия ташкилотининг бу қароридан колхозчилар жуда миннатдор бўдилар. Мана шу қисқа вақт ичидида юздан ортқ хонадон янги уйларга қўчиб чиқди. Биз икки-уч йил ичидида ҳамма колхозчиларни янги уйларга қўчириб чиқамиз.

Ҳақиқатан ҳам раис айтганидек, ҳозир қишлоқ кўчаларида юрсангиз чироқли қилиб қурилган оппоқ уйлари кўриб қувонасиз. Лой кўчалар ўрнида асфальт йўллар, қиёзор, қампшорлар ўрнида беширик бинолар ва ҳовлисида турли-туман гуллар ўсиб ётган хонадонларни кўрасиз. Бу ерликлар гурур билан:

— Илгарики қиёзорлар ўрнида энди гул ўсаяпти, — деб айтишади.

Қайси хонадонга кирсангиз райхон, жамбул ва бошқа гуллар экиб, ҳовлиларни жалнатдек қилиб юборилганини кўрасиз.

— Буларнинг ҳаммаси, — сўзида даров этади колхоз раиси, — даромадимизнинг йил сайини охиб бораётганлиги туфайли амалга оширилаяпти. 1962 йилда умумий даромадимиз 469 минг сўм эди. Бултур эса бу миқдор 970 минг сўмга етди. Бўлинимас фондимидаги пул маълумини шунга қараб икки



КОЛХОЗ модallar ательеси чеварларининг қўли-қўлига чегмайди. Суратда: бекичи Эм. Роза (чапда) ва Л. Елхимова ўртоқлар иш устида.



БОЛАЛАР богчасидан бир кўриниш. Эрактойлар машғулот вақтида.

ДЕХҚОН ҲОСИЛИ—ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

БУНДАН тўрт йил илгари «Москва» колхозини пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан қолонлар қаторида эди. Улар билан ери туташ «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини пахтадан мўл ҳосил олишда юқори кўрсаткичларга эришганган бир пайтда бу колхоз нима учун ана шу аҳволга тушиб қолган эди? Шу тўғрисида правление ва партия ташкилоти астойдилроқ бош қотирди ва янги режалар тузиб чиқди. Ана шу режаларга кўра биринчи навбатда ернинг структурасини яхшилаш вазифаси турарди. Кўп вақтдан бери зовурлар тозаланимаганилиги, ер ости сувини қочириб учун зарур тадбирлар кўрлмаганилиги, ҳосилнинг ашаддий дупмани ўтнинг кўплаб ўсишига йўл қўйилганлиги важадан колхоз ерлари юқорида айтганимиздек, ифлосланиб, кучсизланиб қолган эди. Талаб қилинган жойларда зовур қазилди, эскилар тозаланди, нагтадан-кичик ўтнинг тағ-томири билан йўқотишга отланди. Колхоз уч йилдан бери ҳосилини сурункасига ошириб бермоқда. 1962 йилда гектардан 20 центнердан пахта олинган бўлса, бултур ҳосилдорлик 28 центнерга етказилди. Бу йилги мўлжал 30 центнер.

Беш йиллик планимизга кўра 1970 йилда бориб гектардан 27 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаган эдик. — дейди раис. — Биз ана шу мўлжалимиздан ўтиб кетдик. Ерларимизни бurchалик яхшилаб олган эканмиз, ҳосилдорлик энди ўтган йиллардаги сингари йилга 1—2 центнердан эмас, кескин охиб боришига ишончимиз комил.

Раиснинг бу гапига илгор авенлар иши билан танишганда ана ҳам қаноат ҳосил қилдик. Бу авенлар, масалан, Муслим Тафиев, Ҳамза Ҳужамқулов ўртоқлар бошлик авенлар бу йил гектардан 35 центнердан ҳосил етиштирмиз дедик. Аҳмад Гафуров бошлик участка аъзолари эса 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаётдилар.

Колхозчилар 1968 йилда 700 гектар ерга чигит ақдилар. Улар он-Ватанга беш йилликнинг унчинчи йилида 2100 тонна пахта етказиб берамиз деб қарор қилдилар.

Ҳосил ошган сари даромад кўпайпти. Даромад кўпайган сари деҳқонларнинг турмуши яхшиланадиган. Шунинг учун қишлоқ меҳнаткашлари фаровонлик қалити — деҳқон ҳосилида экан демонадилар.

Ваҳорнинг сермашаққат, ёғингарчилик кўнларида кўниллар гаш эди. Чунки бутун чигит ақил, эртага сел ёғиб ишнинг белига тенар, юрагиди ақлақандай тағиллик севган деҳқон босагга эди. Шунақа тағиллик кўнлар орқиди қолди. Уни ёшлар ва кекалар филкорона меҳнат, ақиллик билан ишлаш туфайли мардонавор енгдилар. Бутунги кунда ҳар туп-тўғани кўнилдагидек қилиб олдилар. Далада бўлсангиз шайлоқ лироқли, маж уриб ўсаятган гўзаларни кўриб деҳқонлар меҳнатига, механизаторлар-гайратига бағли дейсиз. Ўтган йиллардаги қабил бу йил ҳам Ўзбекистон Жўдубаев, Муслим Тафиев, Ҳамза Ҳужамқулов ва шулар сингари пешқадам авен бошлиқлари ўзлари рулда ўтириб «оқ олтин» даладарини жавабон урмоқдалар. Бу меҳнатсевар кишиларнинг гайрати бошқаларни ҳам унқили ишлашга қорламда, ҳамма гўза атрофиди парвона.

ОРЗУ ВА РЕЖАЛАР

РАИС режа тузади. У ўзининг режалари ҳақида партиком секретари, бухгалтерлар билан масаладашди. Ўзининг ана шу мақсадли даладарини борганда колхозчиларга, авен бошлиқларига, механизаторларга айтди. Улар раиснинг режаларини эшитиб қувонадилар, чин қалбдан маъқуллайдилар. Булар қандай режалар, қандай ороулар?

Ҳанс қишлоқнинг бутунги кўнларини ҳали жуда ҳам кўнилдагидек эмас, дейди. Чунки қилинган ишларга қараганда қилинадиганлари кўп. Икки-уч йил ичидида қишлоқда ҳаммом қурилмоқчи. Меҳмонхона бунёд этилмоқчи. Ўрта мактаб қуриш мўлжалланмоқда. Яна бир қанча янги уйлар, жамоат бинолари қад кўтариши керак. Буларнинг ҳаммаси дилларни қитқилатган ороу, яхши режа. Лекин қампшорлар, қиёзорлар ўрнида пахтадан мўл ҳосил етиштиратган, янги қишлоқни қурувда келтиратган, меҳнаткаш деҳқоннинг даромадини оширатган, йил сайини юксалиб бораётган бу хўжаликда фиқат юқориди саналган ишларни эмас, — ундан ҳам каттароқини баришри учун ишнинг кўзини биллиб қиладиган гидролик ишчилар бор. Ҳаммасидан ҳам муҳими кўпмиллатли бу қишлоқ қишлоқларининг ақиллиги, бирдамлиги ороуларни амалга оширишга, режаларни юзага чиқаришга қодир улуг куч.

Москва номи билан аталган бу колхоз Чирчиқ бўйида машаалдек порлайди. илһийеради.

С. МАҲКАМОВ.



ГАЗ колхозчи аёллар хизматиди.

ИЛГОР звенo бошлғи Муслим Тафиев бултур пахтадан мўл ҳосил етиштириб катта ютуққа эришган ва «Москва» машинаси билан мукофотланган эди. Суратда: М. Тафиев ўз машинаси ёнида.

А. Абалин фотолари.



